

4.5кгдан юқори	24	16,6	58,3	25,1
----------------	----	------	------	------

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, қоракўл кўзиларининг тирик оғирлигини ошиб бориши жун қопламининг ипаксимонлигига деярли унга таъсир кўрсатмаганлиги маълум бўлди.

3-жадвал

### Кўзиларнинг класслари

Кўзилар гуруҳи	сони	Шу жумладан		
		элита	1-класс	2-класс
3,5кг гача	22	-	18	4
3,5-4кг гача	24	-	20	4
4-4,5кг гача	24	3	17	4
4,5кг дан юқори	24	2	19	3

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики қоракўл кўзиларнинг тирик оғирлиги ошиб бориши билан кўзиларнинг классларига таъсир кўрсатган. Кўзиларнинг тирик оғирлиги 3,5 кг дан 4кг гача бўлган кўзиларда элита классига учрамади. 4-4,5 кг бўлган кўзиларда кўзиларда элита классига учради.

#### Хулосалар.

1. Кўзиларнинг тирик оғирлиги терисидаги жун қопламини ипак сумонлигини ташкил қилар экан.

2. Гулларининг мустаҳкамлиги ва классига кўра 4-4,5 кг оғирликдаги кўзилар мақсадга мувофиқ эканлиги маълум бўлди.

**Тажрибага асос қуйидаги таклифни киритамиз.** Ўтказилган ҳисоб китобларга қараганда “Сарибел” насылчилик хўжалиги шароитида 4,0 кг ва ундан юқори кўзилар етиштириш мақсадга мувофиқлигини кўрсатади.

### БРОЙЛЕР ЖЎЖАЛАРИНИ ЎСТИРИШНИНГ МУҲИМ ХУСУСИЯТЛАРИ

**Д.С.Тошбеков - талаба, Ф.Ш.Бердиқулов - магистрант,**

**Ю.А.Эрматов - илмий раҳбар, доцент**

**Аннотация:** Паррандаларнинг турларига кўра, маҳсулдорлик йўналишига қараб ўстириш, улардан меъёрга маҳсулот олишга эришиш мумкин. Учинчи, тўртинчи ва бешинчи ҳафталикларидagi назорат гуруҳи жўжаларига нисбатан тажриба гуруҳидаги жўжаларнинг тирик вазни 24,8 г; 70,0 г; ва 139,7 г га кўп бўлиб, кунлик ўсиш кўрсаткичлари эса 1,7 г; 6,3 г; ва 10,0 г га кўп.Рентабеллик даражаси эса назорат гуруҳидаги бройлер жўжаларига нисбатан 5.6 % тажриба гуруҳида юқори бўлди.

**Калит сўзлар:** Бройлер, жўжалар, “ROSS-308”, “Ҳабборт”, маҳаллий озиқа, кунлик ўсиш, мутлоқ ўсиш, технология, омихта ем.

**Мавзунинг долзарблиги:** Республикада чорвачилик,хусусан, паррандачилик соҳаси аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини таъминловчи асосий тармоқларидан бири бўлиб келмоқда.Президентимизнинг 2015 йил 29 декабрдаги “2016-2020 йилларда қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-2460-сонли қарори ва шу қарор ижроси юзасидан қабул қилинган Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 12 апрелида 110-сонли қарори қабул қилиниб, имтиёз қўлланиладиган озиқа компонентлари ва технологик ускуналар рўйхати биз берган таклифлар асосида кенгайтирилиб, паррандачилар импорт қиладиган барча материал ва ускуналарга имтиёзлар жорий этилди.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, қишлоқ хўжалиги тармоғининг юқори рентабеллиги ҳисобланган паррандачилик соҳасини аҳоли ўртасида тарғибот қилиш ва оммалаштиришга ҳам ўз эътиборини қаратиб келмоқда.

**Мақсади:** Фермер, дехқон - оила ва ёрдамчи паррандачилик хўжаликлари шароитида бройлер жўжаларини сақлаш усуллари, ўстириш, парваришлаш ва хўжалик шароитида етиштирилган озуқалар асосида тўлақийматли озиқлантиришни ташкил қилиш, экологик тоза бройлер гўшти етиштиришни ўрганишдан иборат.

**Материал ва методикаси:** Тадқиқот ишлари “Зоотехния, асаларичилик ва балиқчилик” кафедрасига қарашли "Паррандачилик ўқув тажриба марказида" "ROSS-308" ва "Ҳабборт" бройлер товуқ кроссларинисақлаш, парваришлаш, ўсиши, бўрдоқиланишини ўрганиш мақсадидамаҳаллий озиқалардан фойдаланиб, озиқлантирилди.Тажриба давомида бройлер жўжаларини кунлик, ҳафталик ва даврлар бўйича ўсиш ривожланиш жараёнлари ўрганилди. Шу билан бир қаторда старт олди, старт ва бўрдоқилаш даврида озиқа харажатлари ҳам ўрганиб борилди. Олинган маълумотларга математик ва статистик ишлов берилди.

**Тадқиқот натижалари:** Парранда маҳсулоти парҳез ҳисобланиб, таркибида тез ҳазмланувчи оқсил, ёғ, витаминлар, минерал моддалар ва алмаштириб бўлмайдиган аминокислоталар мавжуд бўлиб, инсон организмида 98-99 % ҳазмланади.Турли турдаги паррандаларнинг гўшт маҳсулоти ўзига хос кимёвий, морфологик таркибга эга бўлиб, нафақат сақлаш, парваришлаш, бўрдоқилаш, озиқлантириш, қолаверса, зоти, линияси ва кроссларининг хусусиятларига боғлиқдир.

Бройлер жўжаларини ўстириш, бўрдоқилаш ва озиқлантириш учун бир кунлик соғлом жўжаларни танлаб олишга эътиборни қаратиш муҳимдир.Одатда, соғлом жўжалар кўзлари чакнаб туради.Яхши пар билан қопланган, сезгир, ҳаракатчан бўлади. Бройлер жўжалари сақланадиган хона икки кун олдин 3,5-5,0 % ли хлорамин ёки 1,2-2,0 % ли хлор эритмаси билан зарарсизлантирилди. Жўжалар турар жойига 2-3 см қалинликда сўндирилган оҳак тўшалиб, устидан 6-8 см тўшама, (ёғоч қириндиси, сомон, похол, майдаланган маккажўхори пояси, шоли кипиғи) кабилар ишлатилди.

Бройлер жўжаларини озиқлантиришда маҳаллий озиқалардан фойдаландик. Рационининг тўла қийматлилигини ошириш мақсадида соя шроти кўшиб бериш билан алмашинув энергияси ва хом протеинни меъёрлаштириб, тирик вазни ва кунлик ўсишини ошириш имкониятлари ўрганилди.

Тажриба жараёнида "ROSS-308" кроссли бройлер жўжаларидан бир кг қўшимча тирик вазн олиш учун 2,4 кг, "Ҳабборт" кроссли бройлер жўжалари учун 1 кг тирик вазн олиш учун 2,9 кг омихта ем сарфланди. “Ҳабборт” кроссли бройлер жўжаларига нисбатан "ROSS-308" кроссли бройлер жўжаларига 0,5 кг кам омихта ем сарфланди.


Ўтказилган тажрибалардан, илмий тадқиқот изланишлари ва амалиётда синаб кўрилган хўжалик маълумотларига кўра паррандаларнинг ўсиши, бошқа сут эмизувчи хайвонларга нисбатан юқори бўлиши исботланган. Шу сабабли, паррандаларни турларига кўра, маҳсулдорлик йўналишига қараб ўстириш, улардан меъёрда маҳсулот олишга эришиш мумкин. Паррандаларнинг тирик вазни ва кунлик ўсиши асосий кўрсаткичлардан бири бўлиб, бу насл ирсиятларига боғлиқдир.

1-жадвал

### Бройлер жўжаларининг тирик вазни, г

Бройлер жўжаларининг ёши (кун)	Тажриба гуруҳи ("ROSS-308")		Назорат гуруҳи ("Ҳабборт")		Ўзаро фарқи	
	Тирик вазни	Кунлик ўсиш	Тирик вазни	Кунлик ўсиш	Кунлик ўсиш фарқи	Тирик вазни фарқи
1	43,0		43,0			
1-7	120,6	11,1	108,4	9,3	1,8	12,2

7-14	290,4	24,2	275,3	23,8	0,4	15,1
14-21	610,0	46,0	585,2	44,3	1,7	24,8
21-28	1000,8	56,0	930,8	49,7	6,3	70,0
28-35	1550,0	78,5	1410,3	68,5	10,0	139,7
35-42	2290,4	106,0	2100,0	89,5	7,5	190,0



### 1-чизма

Тажрибадаги бройлер жўжаларини ўстиришнинг биринчи хафтасида назорат гуруҳидаги бройлер жўжаларининг тирик вазнига нисбатан тажриба гуруҳи бройлер жўжаларидаги тирик вазн 12,2 г ни, кунлик ўсиши эса 1,8 г, юқори. Ўстиришнинг иккинчи хафтасида назорат гуруҳидаги жўжаларга нисбатан тажриба гуруҳидаги жўжаларида тирик вазн миқдори 15,1 г га, кунлик ўсиши эса 0,4 г га кўп бўлди. Учинчи, тўртинчи ва бешинчи хафталикларидаги назорат гуруҳидаги жўжаларга нисбатан тажриба гуруҳидаги жўжаларнинг тирик вазни 24,8 г; 70,0 г ва 139,7 г га кўп бўлиб, кунлик ўсиш кўрсаткичлари эса 1,7 г; 6,3 г; ва 10,0 г га кўп. Назорат гуруҳидаги жўжаларга нисбатан тажриба гуруҳидаги жўжаларнинг тирик вазни олтинчи ва еттинчи хафталикларида 190г кунлик ўсиши эса 7,5 га юқори бўлди.

Парранданинг гўшт маҳсулдорлиги унинг биргина наслига эмас, балки, ўстириш ва озиклантириш шароитларига ҳам боғлиқ бўлади. Гўшт йўналишидаги жўжалар ҳаётининг биринчи 5-6 хафталигида жадал ўсади ва вазнининг ўсиш бирлиги ҳисобига кам озуқа сарфлайди. Паррандалар қанча эрта ёшида сўйилса, маҳсулот бирлиги шунча кам озуқа сарфланади.

2-жадвал

### Тажрибанинг иқтисодий самарадорлиги

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Тажриба гуруҳи п-100 "ROSS-308" кросси	Назорат гуруҳи, п-100 "Ҳабборт" кросси
Бош сони	Бош	100	100
Сақланувчанлиги	%	95	93
Боқилган жўжалар	Бош	95	93
Бир бош бройлер жўжанинг т/в	г	2650	2430
Жами т/в	кг	246.450	223.560
1кг т/в учун омихта ем сарфи	кг	2.4	2.9

1кг бройлер гўштининг таннархи	сўм	9200	9600
Бройлер гўштини сотиш баҳоси	сўм	12500	12500
Бройлер гўшtidан олинган фойда	сўм	3300	2900
Рентабеллик даражаси	%	35.8	30.2

Бир кг қўшимча тирик вазин олиш учун омихта ем сарфи тажриба гуруҳига 0.5 кг кам сарифланди. Олинган даромад назорат гуруҳига нисбатан, тажриба гуруҳда кўп бўлиб, бир кг бройлер гўшtidан олинган фойда тажриба гуруҳида 400 сўмга кўп бўлиб, рентабеллик даражаси назорат гуруҳидаги бройлер жўжаларига нисбатан 5,6 % тажриба гуруҳида юкори бўлди.

**Хулоса:** Фермер, деҳқон – оила ва ёрдамчи паррандачилик хўжаликлариди истиқболли "ROSS-308" ва “Хабборт” кроссларидан фойдаланиб, бройлер гўшти ишлаб чиқариш яхши самара беради.

## **НАСЛЛИ БУҚА - ЯРИМ ПОДА ДЕМАКДИР**

**З.Р.Мамадалиева, Р.Т.Тураев – талабалар,  
Ш.Амиров – илмий раҳбар, доцент**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш бўйича “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” давлат дастурининг 166 – бандида, чорвачиликни янада ривожлантириш, наслчиликни ривожлантириш, наслчилик илмий тадқиқот ишларини жорий этиш каби масалалар белгилаб берилган. Комплекс дастурни амалга ошириш натижасида 2020 йилга келиб йирик шохли қорамол бош сони 21,8 % га, майда шохли қорамол бош сони 18,3 % га ва сут маҳсулотлари 36,8 % га ошиши режалаштирилган.

Кўриниб турибдики ушбу режаларни амалга оширишда “Наслчилик иши” муҳим рол ўйнайди. Наслчилик ишларини хўжаликларда тўғри ташкил қилиш, айниқса насли буқаларнинг уруғи билан сигирларни суъний уруғлантириб, авлод олиш қатор афзалликларга эга.

Улар қўйидагилардан иборат; урчитилаётган қорамолларнинг наслдорлик ва маҳсулдорлик хусусиятларини қисқа вақт ичида ёппасига яхшилашга эришилади; подада келиб чиқиши номаълум ва маҳсулдорлиги паст бўлган буқалардан фойдаланишга чек қўйилади; қорамоллар орасида турли касалликларнинг тарқалиб кетишини олди олинади; кон-қариндош урчитишдан мустасно бўлиш эвазига турли майиб-мажрух, фиологик жихатдан носоғлом, касалликларга тез чалинувчан бузоқларнинг тўғилишига барҳам берилади; селекция ишларини кенг қўламда ташкил этишга имкон яратилади; маҳсулдор подаларнинг яратилиши ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқариш хажми ошиб, даромад олиш миқдори кескин ортади; насли буқаларни хўжаликда етиштириш, озиклантириш, сақлаш учун сарфланадиган харажатлар тежалиб қолинади.

Бу усул орқали маҳсулдор ва наслдор буқаларнинг спермасидан кенг микёсда фойдаланилиб, юкори сифатли авлод олишга эришилади. Буқа сигирга бир маротаба ирғиганда 4-5 мл (максимал 10 мл) микдорда сперма ажратади. Аслида бундай микдордаги сперма билан суъний уруғлантириш услубидан фойдаланиб, 10-20 бош сигирни уруғлантириш мумкин. Агар 50 марта суюлтирилганда 1000-2000 бош сигирни суъний уруғлантириш эришилади. Спермага аралаштирувчи озик моддалари қўшилганда бир бош буқанинг спермаси билан бир йилда уртача 2500 - 3000 бош сигирни, айрим ҳолатларда эса 10 000 ва ундан кўп сигирни уруғлантириш имконияти пайдо бўлади.

Биз Бухоро вилоятида қорамолчиликда наслчилик ишларини ташкил этишнинг афзалликларидан самарали равишда фойдаланаётган “Ўзнаслчилик” корхонасининг фаолияти билан яқиндан танишишга ҳаракат қилдик. Ушбу корхона Тошкент шаҳридаги “Ўзнаслчилик” ташкилотининг филиали ҳисобланади. Тошкентдаги “Ўзнаслчилик”